



Бобурий хукмдорлардан Аврангзеб Оламгир номи билан бутун дунёда машхур бобурий хукмдор ва саркарда, Ислом динининг фаол таргиботчиси, такводор инсон сифатида танилган.

Абу Музаффар Мухйиддин Мухаммад (Биринчи Оламгир хам дейишади) милодий 1618 йилнинг 4 ноябрида (баъзи маълумотларда 24 октябрда) Хиндистоннинг Гужарот вилоятидаги Дохад шаҳрида тугилган. У Захириддин Мухаммад Бобурнинг авлодларидан Шохжаҳон ва унинг рафикаси Мумтоз Маҳал бегимнинг ўгли эди. Форсча “Аврангзеб” сўзи “тож-тахт беаги” маъносини билдирса, “Оламгир” эса “оламни забт этувчи” маъносидадир. У жуда эрта Куръонни тўлик ёд олди, болалигидаёқ ҳадис ва фикх илмини ҳамда араб, турк, форс, хинд тилларини чуқур ўрганди. 1658 – 1707

йилларда Хиндистоннинг ярмини эгаллаган, тарихга “Буюк мўгуллар салтанати” номи билан кирган бобурийлар давлатига салкам ярим аср хукмдорлик килди. Тарихчиларнинг яқдил фикрига кўра, унинг хукмронлиги “салтанат тарихидаги олтин давр, энг олий чўкки” бўлди. Ислом оламида ханафий фиксининг комуси хисобланган “Фатавойи Оламгирия” асари бевосита унинг ташаббуси ва рахбарлигида тасниф килинган. Россияда нашр этилган “100 буюк кўмондон” китобидан Амир Темур ва Аврангзебгина жой олган. Аврангзеб 1707 йилнинг 3 мартада тўксон ёшида вафот этган.

Аврангзебнинг отаси – Хиндистонда Бобуршоҳ асос солган сулоланинг учинчи хукмдори Акбаршоҳнинг невараси бўлмиш Шох Жахон, онаси – машхур малика Мумтоз Махал эди. Аградаги машхур Тож Махал ёдгорлиги ана шу малика шарафига қурилган. Эр-хотиннинг тўрт ўгли бўлган: Доро Шукух, Шох Шужоъ, Аврангзеб ва Мурод Бахш.

Шох Жахон анча заковатли ва зийрак учинчи ўглининг таълими хакида жиддий кайгуриб, бунинг учун юртдаги энг машхур олим ва устозларни саройга таклиф этади. Бола саккиз ёшида Куръони каримни ёд олади, хадис ва фикх илмларидан чуқур тахсил олади. У расмий давлат тили бўлган форсчадан ташкари араб, хинд-урду, бобокалонлари тили бўлмиш турк (чигатой) тилларини пухта билиб олади. Катта бобоси Бобур каби адабиётга катта меҳр кўйган, ўзи ҳам газаллар битиб турарди. Аврангзеб хаттотликка ҳам кизикиб, бу соҳада ҳам анча ютуқларга эришади, араб хатининг настаълик ва шикста усулларида мохир хаттотлардан қолишмасди. Унинг хаттотлик санъати намуналари хозиргача сакланиб қолган.

Бола саройдаги хашам, мол-дунё ва мансаб фитналарига кизикмас, аксар вақтини китоб мутолааси ва харбий санъатни ўрганиш билан ўтказарди. У қурол ишлатиш ва харбий маҳоратини оширишда ҳам катта натижаларга эришиб, бу нарса унинг кейинчалик бошлаган харбий юришларида ниҳоятда қўл келди. У кейинрок Марказий Осиё ва Қандахорга қилган юришларида, Гужарот ва Деккон ўлкасининг тўрт вилоятида ҳокимлик қилиб турган пайтларида харбий соҳада катта тажриба орттирди ва унинг бу тажрибаси салтанат тахти учун олиб борган қурашларида унинг фойдасига ишлади. Илохий муқаддарот гўё уни улкан салтанатнинг доно ва жасур хукмдори бўлиб етишишига замин тайёрлаётган эди.

Аврангзеб ўсмирлик чоғиданок, хали тахтга чиқмай туриб Бобурийлар салтанатидаги ўз

Ўрнини топишга уринган шахзода эди. 1636 йили, у энди ўн саккизга кирганида отаси Шох Жахон томонидан маркази Аврангобод шахри бўлган Деккон вилоятига хоким этиб тайинланади. 1645 йили Шох Жахон ўглини аввал Гужаротга, сўнгра Балх ва Бадахшонга хоким килиб жўнатди. 1652 йили отаси Шох Жахон Аврангзебни яна Декконга кайтарди, у яна Деккон вилояти хокими этиб тайинланади ва бу вазифада 1657 йилгача қолади.

Отасининг Ислом дини талабларига хилоф ўларок шон-шухрат, хашам ва исрофга ўчлиги ҳам ота билан фарзанд орасида келишмовчиликка сабаб бўлади. Хукмдорнинг севимли хотини Мумтоз Махал шарафига Аграда хашаматли макбара – Тож Махални курдиргани ҳам Аврангзебга ёкмади. У бунчалик махобатли макбара курилишини давлат хазинасини совуриш, катта исрофгарчилик деб атаб, бунинг Исломга зид эканини айтади. Бунинг устига Шох Жахон Тож Махалдан ташкари ўзи учун яна бир мухташам макбара куриш тараддудида эди. Бу эса давлат хазинасини батамом бўшаб қолишига ҳамда салтанатнинг барбод бўлишига олиб келиши тайин эди. Аврангзеб бобурийлар салтанатини саклаб қолиш ва уни хар томонлама тараққий эттириш йўлида отасига карши боришга мажбур бўлади. Аврангзебнинг хокимлиги бобурийлар салтанатининг ниҳоятда кенгайган даврига тўғри келди. Салтанат бутун Хиндистон худудини эгаллаб олган, жанубда Пеннар ва Тунгабхадра дарёларигача ястаниб ётар, шимолда эса Кашмир ва афгонларнинг Кобул ва Газна ерларини қамраган эди. Фақат Кандахор форсларнинг қўл остида эди.

Тахт учун хал қилувчи жангларнинг бири 1658 йилнинг 29 май куни Агра яқинидаги Самугархда бўлиб ўтади. Катта ака Доронинг эллик минг кишилик ўрдуси (армияси) икки укасининг ўрдусига карши жангга қиради. Бу мухорабада Аврангзеб ва Мурод тўла галаба қозонишади.

Ушбу жангда Доронинг ўн минг тарафдори халок бўлди, унинг ўзи эса Панжобга қараб қочди. 1658 йилнинг ёзида Аврангзеб Аграга кириб борди ва бу вақтда хаста бўлган отасининг тахтига ўтириб, ўзини бобурийлар салтанатининг подшохи Абул Музаффар Мухйиддин Муҳаммад Аврангзеб Баходир Оламгир Подшохи Гозий деб эълон қилади.

Барча ганимларини даф қилиб бўлганидан кейин Аврангзеб тахтга мустақкам ўрнашиб олди ва салкам эллик йил улкан салтанатни адолат билан мохирона бошқарди. Икtidорли саркарда, тадбирли рахбар, бошқарувнинг миридан-сиригача яхши билувчи бу хукмдор айна пайтда каттикқўл ҳам эди. У айниқса шарият талабларига катъий риоя этилишини талаб қилар, бу борада мурасага боришни асло истамас эди. Ёшлигидан камтар, хашамлардан узоқда яшашга ўрганган Аврангзеб тахтга ўтирганидан бошлаб то

умрининг охиригача бу одатини тарк этмади. У шароб ичмас, мол гўшти емас, факат сув ва камбагал кишилар ейдиган арпа нони билан кифояланарди. У курук ерда ухлар, оддий кийинар, кўпинча рўза тутиб юрар эди. Тарихчилар унинг саройида кимматбахо олтин ва кумуш идишлар мутлако бўлмаганини ёзишади. Хукмдор ахлоқ масаласида ўта мурасасиз бўлиб, иродаси кучли бўлгани учун ҳеч қачон ўз аъёнлари ва маликаларнинг таъсирига берилмасди. Харажат килишда ўта тежамкор, хатто ҳасис бўлган Аврангзеб сахийларча садака-эхсон улашар, ўз жанглари эътикод учун урушга айлантирган эди.

Аврангзеб Оламгирнинг такводорлиги, яъни Аллохдан кўркиши унинг фаолиятида ҳар қадамда кўриниб турарди. Мамлакатда Аллох таоло ҳаром қилган майпарастлик, гиёҳвандлик, кимор ўйнаш каби ишларга чек қўйилди. Мамлакатда унинг ҳукмронлигидан олдин урф бўлган зарб қилинажак танга пулларга Куръони қарим оятларини ўйиб ёзиш одатидан воз кечилиб, бу иш тақикланди. Фахш ишларнинг олдини олиш мақсадида эрсиз аёлларга эрга тегиш, акс холда мамлакат ҳудудидан чиқиб кетиш талаби қўйилди. Саройда гайридинларнинг ҳозиргача нишонланиб келинган турли маросимларини, шу жумладан ҳукмдорнинг тугилган кунини тантана қилишни ўтказишга барҳам берилди. Хатто у Акбар давридан буён урфда бўлган хиндларнинг миллий кийимини кийишни ҳам тарк этди.

Шунингдек, аҳоли орасида шаръий аҳкомларни бажариш, шариат тақиклаган ишлар билан шугулланмасликларини текшириб, назорат қилиб турувчи махсус лавозим – мухтасиблик таъсис этилди. Мухтасибларга чексиз ҳуқуқлар, жумладан шариат талабларини бузувчиларни жазолаш ҳуқуқи берилди.

Аврангзеб масжид ва мадрасалар, хонакоҳларни таъмирлаш, янгиларини қуриш ҳақида фармон бергани холда гайридинларнинг бутхоналари ва мактабларини таъмирлаш, янгиларини қуришни тўхтатиб қўйди. 1679 йилдан бошлаб мусулмон бўлмаган хиндлардан жизя (мусулмон мамлакат ҳимоясида яшаётган номусулмонлардан олинадиган жон солиги) ундириш, уларнинг муқаддас қадамжоларини зиёрат қилганлари учун қўшимча солиқ тўлашлари тартиби жорий қилинди.

Мусулмон савдогарлардан тижорат молининг беш фоизи миқдорида олинадиган солиқ бекор қилинган холда гайридин савдогарлар учун бу солиқ тури сақланиб қолди. Солиқ, закот йигувчи идораларда мусулмон бўлмаган кишиларнинг ишлаши тақиклаб қўйилди. 1688 йилдан бошлаб эса мансабдор гайридинларнинг тахтиравонда ва чиройли отларда юришлари ҳам чеклаб қўйилди. Бундай тадбирлардан қутилган мақсад, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини чеклаш эмас, балки маҳаллий хиндларни мусулмон бўлишга ундаш эди. Айни пайтда Ислом динига ўтишни истаган хиндларга қатта имтиёзлар ҳам белгилаб

кўйилган эди: уларга лавозимлар, катта микдорда пул, ер-мулк, нафака ва бошқалар бериладиган бўлди.

Хукмдор давлатни бошқаришда дин олимлари ва арбобларига таянган холда иш олиб борди. У кундалик фаолиятини, ҳар бир тадбирини, бошлаган ислохотларини Ислом шариати талабларига мувофиқ бўлиши ҳақида қайғурар, бекиёс ҳокимиятга эга бўлган подшоҳлигидан динни таргиб қилишда фойдаланар эди. Ўз навбатида динга кенг йўл очилиши, унинг аҳкомларига қатъий риоя этилиши мамлакат раванкига, давлатни одилона бошқаришга катта имкониятлар очиб берарди.

Аврангзебнинг дин йўлидаги хизматлари бу билан чекланмайди. Оламгир мусулмонларнинг бош шаҳарлари Маккаи муқаррама, Мадинаи мунаввара, бошқа табаррук марказларни доимо қўллаб-қувватлаб турди, ионалар берди. Ўша пайтларда Аврангзеб бошчилигидаги салтанат дунё мусулмонларининг ишончли таянчларидан бири сифатида хизмат қилди.

Олимлардан бири шундай ёзади: “Хиндистондаги бобурийлар сулоласидан бўлмиш хукмдор Аврангзеб Оламгир ўзининг Аҳли суннат ва жамоа эътиқодига ва ханафийлик мазҳабига мустаҳкам амал қилиши билан танилган эди. У ўз кизи Зебуннисо бегимни ҳам худди шундай тарбия қилгани аниқ. Ана шу Зебуннисо “Зеб ат-тафосир” Куръони қаримнинг форс тилидаги бир неча жилдли тафсирини ёзган”.

Бобурий подшоҳларнинг хукмронлиги даврида салтанат хукмдорларининг динга муносабати борасида 1658 – 1707 йиллар мобайнида тахтда бўлган Аврангзеб Оламгир алоҳида ўрин тутди. Аврангзеб ёшлигидан ўта тақволи, ҳудожўй, гуноҳ ишлардан тийилган, адолатпарвар мусулмон эди. Бошқа хукмдорлар саройларида бир неча хотин, ўнлаб қанизакларни сақлагани холда унинг хотинлари сони шариатдаги тўрт нафардан ортимаган, биттагина қанизак сақлаган. Аврангзеб ибодатга қаттиқ эди, намозларини қанда қилмас, рамазон ойи рўзасини тутар, нафл ибодатларга ҳам вақт ажратар эди. Хиндистонлик тадқиқотчи Сри Шарманинг ёзишича, Марказий Осиё ўлкаларига қилинган ҳарбий юришлардан бирида бўлиб ўтган шиддатли жангда муҳораба рози қизгин паллага қирган пайтда отдан тушиб, пешин намозини адо қилган ва сўнг яна отига миниб, жангга кириб кетган.

Аврангзеб ўз салтанатида барча соҳаларда Ислом шариатига мувофиқ иш юритилиши имкониятларидан усталик ва тадбир билан фойдаланди. Унгача жамият ҳаётининг

бирор сохасида савол тугилиб колгудай бўлса, муфтийларга мурожаат килинар, кўп холларда бир масалада уларнинг фикри турлича ҳам чикиб колар эди. Ана шунга бархам беришда, шаръий фатволарни ўзлаштиришни янада осонлаштиришда барча фатволарни бир китобга жамлаш, уларни тасниф ва тахкик килиш эҳтиёжи тугилди. Бу ишни хукмдор ўз зиммасига олди. Аврангзеб Оламгирнинг кўрсатмасига биноан мамлакатнинг киркдан ортик салохиятли фикх олимлари ханафий мазхабининг фатволарини саралаб, тўрт жилдли тўпламни тузиб чикишди. Хиндистонда “Фатавои Оламгирия”, ундан ташкарида “Фатавои хиндия” номи билан машхур бўлган фатволар тўплами ана шу тарзда юзага келди. Ханафий мазхабининг ўзига хос бу фикхий комуси Низомуддин Бурхонпурий (Шайх Низом) бошлик йигирма тўрт нафар олим томонидан Куръон, Суннат, ижмоъ ва киёсга мувофиқлиги текшириб чикилди. Тўпламни яратишда тўрт гуруҳга бўлиниб ишланган: аввалги тўртдан бирига Шайх Важихиддин, иккинчи кисмига Шайх Жалолиддин, учинчи кисмига Кози Мухаммад Хасан, охирги бўлагига Мулла Хамид Жунпурий бошчилик килган ҳамда Шайх Низом рахбарлиги ва мухаррирлигида муваффақиятли тугатилган. Шундан кейингина Аврангзеб мазкур китобни барча амалдорларга таркатиб, бундан кейин барча давлат ва козилик ишларида ана шу фатволарга катъий риоя килишни, Ислом шариати талабларининг хар кандай бузилишига карши кураш олиб боришни топширди. Шу тарика мамлакатда хийла илдиз отган хамр ичиш, киморбозлик ва фахш ишлар каби иллатларга шариат талабларига биноан кураш олиб боришга киришилди. Шунингдек, Ислом шариатига зид бўлган айрим соликлар хам бекор килинди. Бу тадбирлар салтанат худудида яшаб турган минг-минглаб ахоли томонидан кенг кўллаб-кувватланди. Кейинчалик “Фатавои Оламгирия” арабчадан урду тилига таржима килиниб, 1889 йили Лакнавда нашр килинди. Бу асар Хиндистон ва Байрутда хам бир неча бор нашр этилагн. Мазкур китобнинг бир неча нусхаси Ўзбекистон кутубхоналарида хам сакланмокда.

Хамиша Аврангзебнинг ёнида юриб, унинг хар бир кадами ва ишига шахсан гувоҳ бўлган Мухаммад Мустаъидхон Сокий ўзининг “Маъосири Оламгирий” (Оламгирнинг хайрли ишлари) хотира китобида улуг салтанат рахбарининг ажойиб фазилатлари хакида гўзал сатрларни ёзиб колдирган: “Онхазрат саодаттаъблик такозоси билан динни ривожлантиришда камоли катъиятлик хислатига эга эдилар. Исломнинг беш биноси омилкори Имоми Аъзам – Абу Ханифанинг ханиф мазхабини жорий этдилар ва мустахамладилар. Тахорат сувидан ажралмас, ширинсухан хамда бошка вақтда иш ва саломлашиш борасида мулойимсўз эдилар. Фарз намозларини масжидда, масжид бўлмаган жойда жамоа билан, барча суннатлари, нафл ва мустахабларини итоаткорлик-бўйсунган холда адо этардилар. Ой ва куёш хисобидаги кўп кунларда хамда хафтанинг пайшанба, жума, душанба кунларида рўза тутиб, жума намозини жомеъ масжидида барча мўмин-мусулмонлар билан биргаликда ўкир эдилар. Муборак кечаларда тунни бедор ўтказиб, Аллохнинг дин ва давлат равнакини орттирувчи файзи нуридан бахраманд бўлардилар. Ниҳоятда хакикатпарастлик юзасидан кечалари давлатхона масжидининг максурасида Аллох дўстлари билан сухбатда бўлардилар. Хилватда асло тахтга карамаганлар...

Муборак рамазон ойини рўза тутиш билан ўтказиб, то ой охирига қадар суннатни адо этиш, камол топтириш, Каломуллохнинг хатми ва то туннинг иккинчи қисмига қадар солихлар ва фузалолар билан биргаликда жамоага Куръони каримни тушунтириш билан шугулланганлар. Сухбат сўнгида масжидда эътикоф қилардилар. Муқаддас хотирда хаж қилиш расм-одатини ижро этиш тўла-тўқис ва кераклигича зухур топган эди... Салтанат даврида икки Харамни шариф мувожирларига гоҳ йилда, гоҳ икки-уч йилда катта маблағлар юбориб турдилар...

Асло ношаръий қийимларни қиймаганлар ва қумуш-олтин зеб-зийнатлардан мутлақо фойдаланмаганлар. Муқаддам манзил ҳисобланмиш саройда ҳеч вақт бирор гийбат ва фисқу фасод ҳамда ёлгондан иборат ношоиста сўз сўзланмаган ва мунаввар макон – сарой хизматкорлари агар арз қилинган пайтда сўзда гийбат аралашса, уни ажойиб иборалар билан таъбирласинлар, деб ўргатилган эдилар. Хар қуни икки-уч маҳал девони адл ва додда очик чехра ва мулойимлик билан туриб, адолат даргоҳига ҳеч бир монеъсиз тўда-тўда бўлиб келиб турувчи ҳамда Онхазратнинг ниҳоятда диққат билан эшитишидан ҳеч бир кўрқув ва ҳадиксиз ўз мақсадларини арз этувчи адолатталабларга одиллик бахш этардилар...

Хайр-саховат, марҳамат, лутф-карам шу даражада амалга ошир содир бўлдики, ўтган султонлар, подшоҳлардан бунинг ўндан бири ҳам воқеъ бўлмаган эди. Ва муборак рамазон ойида олти миш минг рупия ва бошқа ойларда бундан биров камроқ пул ҳақдорларга юбориб туриларди. Ожиз ва мискинлар таомланиши учун дорул-хилофат (пойтахт) ва бошқа шаҳарларда кўпдан-кўп таомхоналар мавжуд эди. Қаерда мусофир ва сайёҳлар кўнадиган работ ва саройлар йўқ бўлса, дарҳол пайдо қилинди. Салтанатдаги масжидларни таъмирлаш учун файзасар саройдан имом-хатиблар, муаззинлар тайинланди, шунга кўра бу ишлар учун катта маблағ ва кўп олтин-зарлар сарф этилди. Ушбу улкан мамлакатнинг барча шаҳар-кишлоқларидаги фозиллар, мударрисларни вазифаларига яраша кундалик маош, ер-сув билан таъминлаб, толиби илмларга юқори даражадаги маиший ҳолат ва воситаларни белгилаб қўйган эдилар...

Онхазратнинг касби камолларидан бири Тангри ато қилган ҳолатга зийнат бахш этиб, тафсир, ҳадис ва фикҳдан иборат диний илмларни ўрганиш эди. Хужжатул-ислом Мухаммад Газзолий ва бошқа улуг шайхларнинг китобларини доимо мутолаадан ўтказар эдилар. Ул ҳудожўй ҳоконнинг улуг фазилатларидан яна бири Мулки аллом Аллох таоло Каломи хифзини ривожлантириш эди. Агар давлат ва иқболнинг дастлабки ҳолатида шарофатли Куръоннинг баъзи бир сураларигина зўр диққат билан хотир томонидан қироат қилиниб ёд олинган бўлса, Аллох Каломининг тўла ёд олиниши салтанат тахтига ўтирилганидан сўнг амалга оширилди ва бутун жаҳду жадал ҳамда шохона азм билан шарофатли хотирда нур сочиб жилоланди...

Дунё ва халклар танлаган ул шох латиф ахлокининг мазмуни тахрир кўламига сигмайди ва баёнининг чегараси ниҳоятда поёнсиздир. Акли-заковати буткул ноқис мендай факирга ул ҳар қандай мактовга сазоворни таъриф этиб тушунтириш қайда дейсиз?!”

Аврангзеб Оламгирнинг ўзи гўзал фазилатлар, юксак ахлоқ ва қомил маърифатга сазовор бўлибгина қолмай, зурриётларини ҳам Қуръон ва суннатга мувофиқ тарбия этиб, қамолга етказган эди. Аврангзебнинг турли аёлларидан беш ўгли ва беш қизи бор эди. Уларнинг бари мактовли ҳислатларга эга подшоҳзодалар ва ифбат сиохибаси бўлган бегимлар бўлиб тарбия топишганди.

Сўнгги буюқ теурий сарқарда – Аврангзеб Оламгир салқам эллик йиллик ҳукмронликдан сўнг 1707 йили 89 ёшида Аҳмадобод шаҳрида вафот этди. У Аврангбод яқинига дафн этилди. Кейинчалик унинг жасади Давлатободга кўчирилиб, ҳашамдор макбарага эмас, мрамр лавҳ қўйилган оддийгина қабрга қўйилди.

Аврангзеб ўлими олдидан ўғилларига шундай васиятни ёзиб қолди: “Мен бу дунёга яққа қелдим ва яққа қетмоқдаман. Ўзимнинг қимлигимни ва нималар қилганимни ҳам билмайман. Сарф қилинган қулар ўз ортидан қақат надоматлар қолди. Мен ҳеч қандай давлат бошқарувини туза олмадим, раъият ҳақида қамхўрликни ҳам таъминлай олмадим. Ниҳоятда қимматли ҳаёт беқойда нарқаларга сарф бўлиб қетди”.

Шундай қилиб, Аврангзеб Оламгир Хиндистон минтақасида улқан салтанатга асос қолган боқоқалони Заҳириддин Мухаммад Бобурдан бир юз эллик йил кейин тахтга ўтирган бўлса, ушбу сулола Аврангзебдан кейин яна бир юз эллик йил ҳукмронлик қилди. Аврангзеб вафотидан кейин унинг ўғиллари бобурийлар салтанатига ҳукмронлик қилишди. Аммо улар салоҳият ва тақбирда оталарига ўшамагани учун бир-бири билан қураш олиб борқан турли феодал қуруларнинг қўғирчок ҳукмдорларига ҳамда ожиз қумашталарига айлиниб қолишди. Бу қайтларда инглиз мустанлақачилари бой ва гўзал бобурий салтанатни қўлга қиритиш мақсадида маққорона ҳатарли “ўйин”ларини бошлаб юборишқан эди.

Аҳмад МУХАММАД

P. S. Муаллифнинг “Аврангзеб Оламгир – бобурий хукмдор ва маърифат хомийи”
рисоласи нашрга тайёрланмокда.